



О‘ЗБЕКISTON TEMIRYO‘LCHILARINING GAZETASI

2026-yil • 23-iyul • payshanba • № 28 (6608)

Temir yo‘llar
mamlakatimiz
iqtisodiyoti-
ning qon
tomiridir.

Gazeta 1933-yildan
chiqa boshlagan

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 21 июль куни ҳудуд ва тармоқларда ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича жорий йилнинг биринчи ярмида эришилган натижалар ва йил якунигача амалга ошириладиган устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

ИҚTISODIЁTДА ЮҚОРИ ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАШ ВА АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Йил бошидан мамлакатимиз иқтисодиёти 8,5 фоизга ўсди. Саноатда 8 фоиз, хизматларда 16,9 фоиз, қурилишда 13,8 фоиз, қишлоқ хўжалигида 4,7 фоиз ўсиш таъминланди. Инвестициялар ҳажми 28 миллиард долларга, экспорт 14,4 миллиард долларга етди. “Fitch” ва “Moody’s” халқаро рейтинг агентликлари мамлакатимиз суверен кредит рейтингини бир поғона яхшилади.

Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари 40 миллионли аҳоли ҳаётини яхшилаш учун 9-10 фоизли иқтисодий ўсиш зарурлигини таъкидлади. Бунинг учун ҳудуд ва тармоқ раҳбарлари мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солиши, ҳар бир лойиҳа ва ҳар бир корхона бўйича аниқ натижага ишлаши кераклиги кўрсатиб ўтилди.

Йиғилишда ҳудуд ва тармоқ раҳбарларининг олти ойлик режалари ижроси танқидий таҳлил қилинди. Айрим ҳудудларда ялпи ҳудудий маҳсулот, қурилиш, инвестиция, саноат ва экспорт кўрсаткичлари бўйича захиралар тўлиқ сафарбар этилмагани қайд этилди. Ойлик, чораклик ва йиллик режаларни бажармаган раҳбарларга нисбатан масъулият кучайтирилиши белгиланди.

Давлатимиз раҳбари ҳар бир вазир ва ҳокимнинг иши одамларнинг яшаш маданиятида сезилмаса, тадбиркорларнинг оғирини енгил қилмаса, ҳар қандай натижа фақат “қоғоздаги рақам” бўлиб қолишини таъкидлади. Шу боис, жойларда инфратузилма, бандлик, тадбиркорлик ва аҳоли даромадини ошириш бўйича ишлар мутлақо янги ёндашув асосида ташкил этилади.

Йиғилишда “маҳалла еттилиги” фаолиятини янги ташкил этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада “Долзарб 40 кунлик” эълон қилиниб, 2 мингта энг оғир маҳаллада ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бошланди. Ҳокимлар ушбу маҳаллаларда электр, газ, йўл ва сув масалаларини ўз вақтида ҳал қилишга шахсан жавобгар бўлади.

Давоми 2-бетда ➡➡

НАВОИЙДА КЕНГ КўЛАМЛИ БУНЁДКОРЛИК ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

БУГУН ЮРТИМИЗДА БАРЧА СОҲАЛАРДА БўЛГАН КАБИ ТЕМИР йўЛ ТРАНСПОРТИ ТИЗИМИДА ҲАМ ТУБ ИСЛОҲОТЛАР, РАҚАМЛАШТИРИШ ВА ИНФРАТУЗИЛМАНИ ЗАМОНАВИЙЛАШТИРИШ ИШЛАРИ ЖАДАЛ ОЛИБ БОРИЛМОҚДА. АЙНИҚСА, “ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР йўллари” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ТОМОНИДАН ҲУДУДЛАРДА ТЕМИР йўЛ ТАРМОҒИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ, КАДРЛАР САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ ҲАМДА йўловчиларга ХИЗМАТ КўРСАТИШ СИФАТИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАПТИ. УШБУ КЕНГ КўЛАМЛИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ СИФАТИДА ЯҚИНДА ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИ РАИСИ ЗУФАР НАРЗУЛЛАЕВ НАВОИЙ ВИЛОЯТИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР БИЛАН ЯҚИНДАН ТАНИШДИ.

Ташрифнинг дастлабки манзили “Навоий” темир йўл вокзали бўлди. Маълумки, вокзаллар нафақат йўловчилар учун хизмат кўрсатиш маскани, балки темир йўл тизимининг ўзига хос ташриф қоғози ҳамдир. Шу боис, бугунги кунда ушбу вокзал биносида хизмат кўрсатиш сифатини тубдан яхшилаш ва замон талабларига мослаштириш мақсадида йирик реконструкция ишлари олиб борилмоқда.

Жараёнларни кўздан кечириш давомида Бошқарув раиси қурилиш ва таъмирлаш ишларида замонавий меъморий ечимларни кенг қўллаш лозимлигини таъкидлади. Шунингдек, йўловчилар, айниқса, вокзал хизматидан фойдаланувчи меҳмонлар ва маҳаллий аҳоли учун қўшимча қулайликлар, рақамли хизматларни жорий этиш юзасидан масъуларга аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Темир йўл тизимининг хавфсизлиги ва тезкорли-

ги бевосита автоматика ҳамда алоқа тизимларининг мукамаллигига боғлиқ. Шу боис, сафар давомида “Бухоро минтақавий темир йўл узели” филиали таркибидаги Навоий сигналлаштириш ва алоқа масофасида ташкил этилаётган “МПС Турон” ўқув марказига алоҳида эътибор қаратилди.

Мазкур марказнинг асосий мақсади маҳаллий мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган МПС Ту-

рон, МПАБ Турон, ДС Турон ва МАПС Турон каби замонавий сигнализация ва автоматика тизимларини темир йўл инфратузилмасига кенг жорий этиш ҳамда ушбу технологияларни бошқара оладиган юқори малакали, янги авлод кадрларини тайёрлашдан иборат.

Бошқарув раиси ушбу марказ нафақат кадрлар тайёрлаш, балки янги темир йўл линияларини барпо этиш ва мавжуд

инфратузилмани модернизация қилишда инновацион технологияларни кенг татбиқ этишга хизмат қилишини таъкидлади. Шу билан бирга, амалий машғулотларни юқори савияда ташкил этиш учун марказни барча зарур замонавий техника ва ускуналар билан тўлиқ жиҳозлаш лозимлигини қайд этди.

Объект билан танишиш асносида Бошқарув раиси Зуфар Нарзуллаев ушбу марказнинг тармоқ

учун стратегик аҳамиятга тўхталиб ўтди. Қайд этилганидек, мазкур маскан нафақат кадрлар тайёрлаш маскани, балки янги темир йўл линияларини барпо этиш ва мавжуд инфратузилмани модернизация қилишда инновацион технологияларни ҳаётга татбиқ этувчи бош локомотивга айланиши лозим.

Шу мақсадда, марказда амалий машғулотларни халқаро стандартлар даражасида ташкил этиш, уни энг сўнгги русумда-

ги замонавий техникалар, лаборатория ускуналари ва кўргазмалар воситалар билан тўлиқ жиҳозлаш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берилди.

Навоий вилоятига уюштирилган ушбу хизмат сафари “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг маҳаллийлаштириш, инновация ва инсон капитални ривожлантиришга қаратилган стратегик мақсадлари изчил ва тизимли равишда амалга оширилаётганини яна бир бор исботлади.

■ БАЙРАМ ОЛДИ ТАЙЁРГАРЛИК



“ТЕРМИЗ МИНТАҚАВИЙ ТЕМИР йўЛ УЗЕЛИ” ФИЛИАЛИДА ЭЪТИРОФ ВА ЭЪТИБОРГА САЗОВОР ИШЛАР ҚИЛИНМОҚДА

“Термиз минтақавий темир йўл узели” филиали жамоаси ҳам темирйўлчилар касб байрамини катта ютуқлар билан кутиб олмоқда.

Узелга қарашли станциялар, корхона ва ташкилотларда рақамлаштириш, электрлаштириш, замонавий қурилмаларни ўрнатиш, бунёдкорлик, юк ортиб, тушириш ҳамда ишлаб чиқариш борасида қўзланган марраларга эришиб келинмоқда.

Шунингдек, “Термиз минтақавий темир йўл узели” филиалида транспорт коммуникацияларини ривожлантириш, йирик лойиҳаларни янги замонавий технологиялар орқали амалга ошириш, дунё тажрибасини тизимга қўллаш ва уни жорий этиш борасида аниқ режалар дастури ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этиш босқичма-босқич амалга оширилмоқда.



Давоми 2-бетда ➡➡

“ТЕРМИЗ МИНТАҚАВИЙ ТЕМИР ЙЎЛ УЗЕЛИ” ФИЛИАЛИДА ЭЪТИРОФ ВА ЭЪТИБОРГА САЗОВОР ИШЛАР ҚИЛИНМОҚДА

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Ушбу кенг қўламдаги мурраккаб, замонавий лойиҳаларнинг бажарилишида узел жамоаси ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Бу борада “Қумқўрғон – Қудуқли” участкасининг 81 километрлик темир йўлини электрлаштиришда, контакт тармоқ линиясини узлуксиз ва сифатли электр энергияси билан таъминлашда кенг қўламли ишлар бошлаб юборилган. Ушбу лойиҳага кўра, электрлаштириладиган йўлларнинг

лаштириш ва жиҳозлаш ишлари жадал суръатларда давом эттирилмоқда. Яқин кунлар ичида станцияни тўлиқ фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Яна шундай лойиҳалардан бири бу – “Термиз” станцияси худудида қурилган уч оралиқли пиёдалар ўтиш кўпригидир. Темир йўл инфратузилмасини модернизация қилиш, поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ҳамда аҳолига қулай шароит яратиш мақсадида станция худудида замонавий пиёдалар



даланишга топширилди. Ушбу замонавий қурилмалар поезд таркибидаги вагонларни ҳаракат жараёнида тўхтатмасдан тортиш имконини бериб, юklarнинг оғирлигини юқори аниқликда тўғри ўлчаш, меёрдан ортиқча ёки кам юкланган вагонларни ўз вақтида аниқлаш, гилдирак жуфтликлари ва рельс инфратузилмасининг муддатидан олдин емирилишини олдини олишга ҳамда юк ташиш жараёнида ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Эътиборлиси, мазкур икки динамик тарози қурилмаси ишга туширилганидан бошлаб, яъни жорий йил бошидан бугунги кунга қадар 530 миллион сўм қўшимча соф даромад олинishiга эришилди.

Шунингдек, узелга қарашли станцияларнинг станция навбатчиси хоналари ва худудда жойлашган 17 та темир йўл кесишмаси ҳам замонавий видеокузатув камералари билан тўлиқ жиҳозланди. Мазкур камералар орқали йўл кесишмаларида ва станцияларда олиб борилаётган тезкор операциялар, навбатчилар фаолияти ҳамда технологик жараёнлар реал вақт режимида кузатилиб, уларнинг тасвирлари узел бўйича навбатчи ва йўл навбатчиларининг марказий иш мониторингарига узатилади. Бу эса станциялар фаолиятини масофадан туриб доимий назорат қилиш, иш интизомини мустаҳкамлаш, юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни тезкор бартараф этиш ҳамда хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш имконини бермоқда.

“Ғалаба” станциясининг кўрик паркида Афғонистон-

дан юкланаётган юklarни темир йўл транспорти орқали ташиш жараёнини янада такомиллаштириш, ортиқча харажатларни қисқартириш, вақт тежамкорлигини таъминлаш ҳамда темир йўл ташувларининг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида замонавий талабларга жавоб берадиган “Божхона кўриги пункти”ни ташкил этиш учун қурилиш ишлари якунига етказилди. Ушбу “Божхона кўприги пункти” замон талаблари асосида таъмирланиб, иш жараёнларини рақамлаштириш мақсадида коммуникациялар билан жиҳозланди. Бундан ташқари, темир йўл транспортда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, бошқарув тизимининг ишончилиги ва узлуксизлигини таъминлаш мақсадида “Қумқўрғон” – “Қудуқли” станциялари оралигида оптик толали алоқа кабелини тортиш ишлари муваффақиятли амалга оширилди.

Мазкур лойиҳа доирасида замонавий талабларига жавоб берадиган юқори тезликдаги оптик толали алоқа тармоғи барпо этилиб, бугунги кунда уни фойдаланишга топшириш бўйича сўнгги синов ишларининг якуний босқичи олиб борилмоқда. Янги оптик толали алоқа тизимининг ишга туширилиши станциялар ўртасида маълумотлар алмашинувининг тезкорлиги ва ишончилигини сезиларли даражада ошириб, поездлар ҳаракатини бошқариш, алоқа ва сигнализация тизимлари фаолиятининг узлуксиз ишлашига омил бўлади.

Феруза ХУДОЙҚУЛОВА



умумий узунлиги 103 километрни ташкил этиб, мавжуд 7 та станция замонавий инфратузилма билан интеграция қилинади. Шунингдек, битта тортувчи нимстанция ҳам барпо этилиши кўзда тутилган.

Темир йўл инфратузилмасини замонавий талаблар асосида ривожлантириш, юк ва йўловчиларга кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада ошириш ҳамда станцияларнинг техник ҳолатини яхшилаш мақсадида “Термиз” станцияси тўлиқ капитал таъмирдан чиқарилмоқда. Мазкур лойиҳа доирасида станция биноси ва унга туташ худудларда кенг қўламли қурилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Хусусан, бино конструкциялари мустаҳкамланиб, ички ва ташқи пардозлаш ишлари, муҳандислик-коммуникация тармоқларини янгилаш, замонавий ёритиш тизимларини ўрнатиш ҳамда ишчи-ҳодимлар ва мижозлар учун қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Бугунги кунга қадар қурилиш ва таъмирлаш ишларининг қарийб 90 фоизи якунига етказилган бўлиб, сўнгги пардозлаш, худудни ободон-

ўтиш кўприги барпо этилди. Ушбу иншоот фойдаланишга топширилиши натижасида фуқароларнинг темир йўл изларини хавфсиз кесиб ўтиши учун барча зарур шароитлар яратилди.

Уч оралиқли пиёдалар кўпригининг умумий узунлиги 63 метрни ташкил этади. У ерда ҳам асосий қурилиш-монтаж ишлари якунланиб, ҳозирги кунда кўприкни замонавий ёритиш тизими билан жиҳозлаш, металл ҳамда темир-бетон конструкцияларни бўяш ишлари олиб борилмоқда.

Шу билан бирга “Термиз” станциясининг қабул қилиш паркида 4 та янги темир йўл излари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ушбу поездларни қабул қилиш паркида янгидан қурилган 4,5 километр темир йўлда электрлаштириш ишлари бажарилди.

Жумладан, темир йўл транспортда юк ташиш ҳажми ва ҳисоб-китобларнинг шаффофлигини таъминлаш ҳамда ташиш жараёнлари самарадорлигини ошириш мақсадида “Қумқўрғон” ва “Ғалаба” станцияларига замонавий вагонларни динамик усулда тортувчи “Электрон тарози” қурилмалари ўрнатилиб, фой-

■ ҚУЛАЙЛИК

ТОШКЕНТ – ХИВА ЙЎНАЛИШИДА ЯНА БИР ЮҚОРИ ТЕЗЛИКДАГИ ЭЛЕКТРОПОЕЗД ҚАТНОВИНИ БОШЛАДИ

“Ўзбекистон темир йўллари” йўловчилар талабини янада қондириш мақсадида 22 июлдан бошлаб юқори тезликдаги электропоездининг иккинчи таркиби Тошкент – Хива – Тошкент йўналишида мунтазам қатновини амалга оширишни бошлади.



“Hyundai Rotem” компанияси томонидан ишлаб чиқарилган “Жалолиддин Мангуберди” юқори тезликдаги электропоезди қуйидаги жадвал асосида ҳаракатланади:

- Тошкент — Хива йўналиши — душанба, чоршанба ва жума кунлари (“Тошкент-Марказий” вокзалидан соат 07:00 да жўнайди);
- Хива — Тошкент йўналиши — сешанба, пайшанба ва шанба кунлари (Хива вокзалидан соат 07:15 да жўнайди).

Йўналиш бўйича сафар вақти 7 соат 36 дақиқани ташкил этади. Аввал Тошкентдан Хива-

гача бўлган масофа тахминан 14 соатда босиб ўтилган. Чипталарни темир йўл кассаларидан, шунингдек, eticket.railway.uz платформаси орқали электрон тарзда харид қилиш мумкин. Президентнинг 2023 йил 10 октябрдаги қарорига мувофиқ, Корея Эксимбанки ҳамкорлигида 6 та юқори тезликда ҳаракатланувчи Hyundai Rotem электропоезди харид қилинади. Бугунги кунга қадар 3 та электропоезд Ўзбекистонга олиб келинган. Биринчи таркиб 2026 йил 5 майдан Тошкент – Хива – Тошкент йўналишида ҳаракатни бошлаганди.



ИҚТИСОДИЁТДА ЮҚОРИ ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАШ ВА АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Бандлик тизими эҳтиёжманд аҳолини ўқитиш, ишга жойлаштириш ва даромадини ошириш бўйича ҳудудма-ҳудуд ишлайди. Банклар ва маҳалла уюшмалари фаолияти ҳам қайта кўриб чиқилиб, кейинги уч ой улар учун амалий аттестация даври бўлиши белгиланди. Маҳаллаларда ободлик, озодлик ва яшаш маданиятини юксалтириш бўйича ҳам аниқ вазифалар қўйилди.

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва бизнес муҳитини яхшилаш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Ҳозир 51 та вазирлик ва идорада 322 та йўналишда молиявий жарима қўллаш ваколати борлиги, 2024-2026 йилларда қарийб 3 триллион сўмлик жарима қўлланилгани қайд этилди. Президентимиз назорат қилувчи идоралар тадбиркорга аввал имконият бериши ва тўғри йўл кўрсатишни ўрганиши кераклигини таъкидлади.

Ташқи бозорларда рақобат кучайиб бораётган бир пайтда экспортчилар учун тўлов, йиғим ва ортиқча харажатларни камайтириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Барча вазирлик ва идораларга тизимидаги бюрократия, жа-рима, тўлов ва йиғимларни қисқартириш, бизнес муҳитини янада яхшилаш бўйича таклифлар киритиш топширилди.

Саноат ва экспорт кўрсаткичлари ҳам танқидий кўриб чиқилди. Айрим туман ва шаҳарларда саноат ўсиши суръати пасайгани, экспорт бўйича кутилган ўзгариш бўлмагани қайд этилди. Бош вазирга натижа кўрсатмаган ҳокимлар фаолиятини кўриб чиқиш, тўқиз ой якунига қадар ўзгариш бўлмаса, масъул раҳбарларга нисбатан қатъий чора кўриш топширилди.

Стратегик корхоналар харажатлари таҳлилида айрим йирик корхоналарда маҳсулот таннархи ошгани кўрсатиб ўтилди. Шунингдек, энергетика тармоқларида йўқотишлар юқориллиги, электр энергияси ва газ тақсимотида самарадорликни ошириш зарурлиги таъкидланди. Йирик компанияларнинг бозор қийматини ошириш, IPO жараёнарига тайёрлаш ва ташқи инвесторлар учун жозибадорлигини кучайтириш вазифаси қўйилди.

Солиқ тушумлари йил бошидан 27 фоизга кўпайиб, 130 триллион сўмдан ошган бўлса-да, қўшимча тушум бўйича йиллик режа етарли даражада бажарилмаётгани танқид қилинди.

Ишлаб чиқаришни тиклаш ва хусусийлаштириш бўйича ҳам муҳим вазифалар белгиланди. Ҳозир айрим тўқимачилик корхоналари ишламай тургани оқибатида 5 триллион сўмлик маҳсулот ва 400 миллион долларлик экспорт имконияти бой берилаётгани айтилди. Йил бошидан 57 та корхона ва 76 та ҳудудий корхона ишлаб чиқаришни 11 триллион сўмга камайтиргани ҳам танқид қилинди.

Мутасаддиларга ишламай турган корхоналарни бирма-бир таҳлил қилиб, улар фаолиятини тиклаш топширилди. Шунингдек, янги хусусийлаштириш дастури доирасида 100 триллион сўмлик кўчмас мулк, ер майдонлари ва давлат улушларини совдога чиқариш, давлат активларини олган тадбиркорлар учун тўлов шартларини ен-гиллаштириш белгиланди.

Сўнгги уч йилда 11 миллиард долларлик 509 та экспортбоп қувват ишга туширилган бўлса-да, уларнинг 208 таси ҳали экспортга чиқмаган. Агар ушбу корхоналар маҳсулотининг камида 30-40 фоизи ташқи бозорларга йўналтирилса, қўшимча 1,5-2 миллиард доллар валюта тушуми таъминланиши мумкин.

47 та махсус иқтисодий зонанинг 29 тасида йил бошидан буён умуман экспорт бўлмагани ҳам танқид қилинди. Мутасаддиларга “тезкор бригадалар” ташкил этиб, экспортга чиқмаган корхоналар ва махсус иқтисодий зоналарда сертификат, айланма маблағ, бозор ва логистика билан боғлиқ масалаларни тезкор ҳал қилиш топширилди.

Миллий брендларни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам вазифалар белгиланди. Сўнгги икки йилда бу йўналишда 15,5 миллиард сўмлик молиявий ёрдам кўр-

сатилган. Лекин ўз брендини рўйхатдан ўтказган маҳаллий корхона-ларнинг учдан бири ҳали экспортга чиқмаган. Шу боис, маҳаллий брендларни ташқи бозорларга олиб чиқиш ва уларни демпинг ҳамда контрафакт маҳсулотлардан ҳимоя қилиш бўйича дастур ишлаб чиқилди.

Ташқи савдо юklarининг 70 фоизи темир йўл орқали ташилиши, бироқ бу йўналишда тадбиркорлардан эътирозлар кўплиги қайд этилди. Юк вагонларининг етишмаслиги, айрим темир йўл линияларида юклама юқориллиги сабабли логистикада қийинчиликлар юзага келмоқда. Мутасаддиларга қўшимча вагонларни жалб қилиш, темир йўл инфратузилмаси учун Жаҳон банкидан 200 миллион доллар маблағ жалб этиш бўйича кели-шувга эришиш назорат қилинди.

Олий даражадаги ташрифлар доирасида эришилган келишувлар ижроси ҳам кўриб чиқилди. Сўнгги йилларда 52 та ташриф давомида 213 миллиард долларлик 1 минг 617 та инвестиция лойиҳаси бўйича келишувларга эришилган. Энди ушбу “йўл хариталари” ижроси Ҳисоб палатаси ва Ташқи ишлар вазирлиги томонидан қатъий назорат қилинади.

Бош вазирга ҳар ҳафта тармоқ раҳбарлари, ҳокимлар ва элчилар билан бирга лойиҳалар ижросини давлатлар кесимида муҳокама қилиш топширилди. Президент Администрацияси олди-га иқтисодий дипломатия, инвестиция ва экспорт бўйича дипломатик ваколатхоналар фаолиятини қайта кўриб чиқиш, ўз вазифасини бажара ол-маётган раҳбарлар ўрнига ёш ва замонавий фикрлайдиган кадрларни тавсия этиш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда инфляцияни жиловлаш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Вилоят ҳокимлари январь-июнь ойларида инфляцияни 3 фоиздан оширмасликни мақсад қилган бўлса-да, аксарият худудларда бу вазифа бажарилмагани қайд этилди. Ўштар нархи ошгани муносабати билан импорт гўштни самолётда ташиш харажатларини қоплаш учун 300 миллиард сўм ажратилгани айтилди.

Қишлоқ ҳўжалигини рўйхатга олиш натижалари чорвачиликдаги ҳақиқий ҳолатни кўрсатиб бергани таъкидланди. Чорвачилик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш учун қўшимча маблағлар йўналтирилади, йил якунигача четдан 100 минг бош қорамол ва 150 минг бош қўй-эчки олиб келиш вазифаси қўйилди.

Мева-сабзавот ва картошка захирасини шакллантириш, совиткичли омборлар қуриш ва озиқ-овқат жамғармаларини тўлдириш бўйича ҳам аниқ чоралар белгиланди. Йил якунигача 87 минг тонна қувватга эга 340 та совиткичли омборни ишга тушириш вазифаси қўйилди.

Давлатимиз раҳбари глобал иқтисодиётдаги ноаниқликлар қанча давом этишини ҳеч ким олдиндан айт олмаслигини қайд этди. Асосий ҳамкор давлатларда иқтисодий фаоллик секинлашаётгани маҳаллий корхоналар-ризмизга, айнққса, экспортчиларга таъсир кўрсатиши мумкин.

Шу сабабли барча раҳбарлар ҳар қандай хатарни ҳисобга олган ҳолда ўз захираларини сафарбар қилишга тайёр бўлиши шартлиги таъкидланди. Тармоқ ва худудларга бириктирилган “ақл марказлари” билан бирга 15 августгача илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқилди.

Ушбу таклифлар “ресурс – инфратузилма – лойиҳа – ишлаб чиқариш – бюджетга тушум – экспорт” занжи-рини ўзаро боғлиқ ҳолда ривожлантиришга қаратилган бўлади. 2027 йил учун макроиктисодий параметрлар, бюджет, инвестиция ва экспорт дастурлари янгича ёндашув – “сафарбарлик сценарийси” асосида тайёрланади.

Йиғилишда вазирлар, тармоқ раҳбарлари ва ҳокимларнинг ҳисоботлари, белгиланган топшириқлар ижросини жойларда ташкил этиш бўйича режалари тингиланди.

■ ХУДУДЛАРДАН ХАБАРЛАР

ЎТГАН ҲАФТА ЖАЗИРАМА
САБАБ ЎЗБЕКИСТОНДА АЙРИМ
ПОЕЗДЛАР ТЕЗЛИГИ ВАҚТИНЧА
ПАСАЙТИРИЛДИ

Ўзбекистонда кузатилган аномал иссиқ об-ҳаво сабабли айрим темир йўл йўналишларида поездлар ҳаракати тезлигига вақтинчалик чекловлар жорий этилди. Шу сабабли поездлар белгиланган манзилга ўз вақтидан кечикиб бориш ҳолатлари кузатилиши мумкинлиги хабар қилинди.



Юзага келган ноқулайликлар учун йўловчилардан узр сўраймиз!

“МАЪРИФАТЛИ ЁШЛАР – МИЛЛАТ
ФАХРИ” ШИОРИ ОСТИДА
МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИР
ЎТКАЗИЛДИ

“Темирийўлэкспресс” акциядорлик жамияти раҳбарияти ташаббуси билан Маънавият ва маърифат дастури ижросини таъминлаш мақсадида “Маърифатли ёшлар – миллат фахри” шиори остида маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.

Тадбирга Ўзбекистон Миллий университети профессори, фалсафа фанлари доктори (DSc), “Маърифат” тарғиботчилар жамияти аъзоси Жалолиддин Юсубов таклиф этилди.



Тадбир давомида ёшлар маънавияти, китобхонлик маданияти, миллий қадриятларни асраб-авайлаш, Ватанга садоқат, замонaviй билим ва тафаккурнинг жамият таракқиётдаги ўрни ҳақида атрофлича фикр юритилди. Шунингдек, ёшларни ҳар томонлама етуқ, маърифатли ва масъулиятли шахс этиб тарбиялаш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш ҳамда маънавий иммунитетини мустаҳкамлашнинг бугунги кундаги аҳамияти ҳаётii мисоллар асосида ёритиб берилди.



Учрашув якунида иштирокчилар ўзларини қизиктирган саволларга батафсил жавоб олдилар. Таъкидланганидек, бундай маънавий-маърифий тадбирлар ходимларнинг билим ва дунёқарашини кенгайтириш, ёшлар онгида юксак маънавий ғазилатларни мустаҳкамлаш ҳамда жамоада соғлом маънавий муҳитни қарор топтиришга хизмат қилади.

ИШЧИ-ХОДИМЛАРГА САЛҚИН
СУВЛАР ТАРҚАТИЛМОҚДА

Ўтган ҳафта республикаимизда ҳаво ҳарорати кескин кўтарилгани сабабли поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида “Тошкент минтакавий темир йўл узели” филиалига қарашли “Тошкент – Жиззах”, “Тўқимачи – Ангрен”, “Салор – Ҳўжакент”, “Келес – Ўзбекистон”, “Келес – Тошкент”, “Салор – Ҳамза – Тўқимачи”, “Ховос – Бекобод” темир йўл участкаларида пиёда кўрик ўтказилди.



Филиал раҳбарияти бошчилигида гуруҳларга бўлинган ҳолда ўтказилган ушбу пиёда кўрик давомида темир йўл инфратузилмасининг ҳолати, техник воситаларининг созлиги, темир йўлни ҳимояловчи сим, темир-бетон тўсиқлар, темир панжаралар ҳолати, ўтказгичли стрелкалар, алоқа тармоқлари, пўлат излардаги ҳарорат ўрганилди.

Жойларда ишчи-ходимларга салқин сувлар тарқатилди.

Раҳбарият томонидан ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, назорат ишларини доимий равишда кучайтириш борасида тегишли ходимларга кўрсатмалар, топшириқлар берилпти.

ТЕМИР ЙЎЛ ХУДУДИДАН
ЎТАЁТГАНДА ОГОҲ БЎЛИНГ!

“Тошкент минтакавий темир йўл узели” филиали томонидан Янгийўл туманидаги “Бахт” маҳалла фуқаролар йиғинида ҳаракат хавфсизлигини тарғиб этишга қаратилган навбатдаги профилактик тадбир ўқазилди.



Тадбирда узелнинг Ёшлар ва ижтимоий лойиҳалар бўлими бошлиғи Ш.Саъдуллаев бошчилигида Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўлими етакчи муҳандиси С.Нарзикулов, Тошкент МТЙТХТБ Ўзбекистон бекатидаги ХТБ бўлиммаси ХПГ катта инспектори, майор И.Туракулов, Темир йўл ХТБ ходими А.Ғайзуллаевлар иштирок этди.



Унда ўқувчиларга темир йўл худудида ҳаракатланиш қоидаларига риоя қилиш, темир йўлни кесиб ўтаётганда қулоқчин ва телефондан фойдаланмасдан, белгиланган жойлардан кесиб ўтиш, вагонлар устига чиқишнинг оғир оқибатлари тушунтирилди ҳамда доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиш, хавфсизлик қоидаларига қатъii амал қилиш инсон ҳаётини асрашнинг энг муҳим омили экани алоҳида таъкидланди.

ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИГА
ТАЪСИР КЎРСАТИШИ МУМКИН
БЎЛГАН ОМИЛЛАР АТРОФЛИЧА
ЎРГАНИЛДИ

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бош муҳандиси Ш.Қодиров раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида “Қўкон минакавий темир йўл узели” филиали раҳбарияти ва мутахассислари томонидан жойларда кучайтирилган текширувлар ўтказилмоқда.



Юртимизда кузатилаётган аномал иссиқ об-ҳаво шароитида темир йўл инфратузилмасининг техник ҳолатини барқарор сақлаш мақсадида филиал бошлиғи, масъул ходим ҳамда соҳа вакиллари иштирокида “Қақир” – “Фурқат” станциялари оралиғида навбатдаги пиёда назорат ишлари амалга оширилди.

Текширув давомида темир йўл изларининг техник ҳолати, юқори ҳарорат остида

рельсларнинг қизиш даражаси ҳамда поездлар ҳаракати хавфсизлигига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган барча омилар атрофлича ўрганилиб, зарур чоралар белгиланди.



“НЕКЎЗ” – “ОЛАТЎН”
СТАНЦИЯЛАРИ ОРАЛИҒИ ПИЁДА
ТЕКШИРИБ ЎТИЛДИ

Аномал иссиқ об-ҳаво шароитида поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш юзасидан “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бош муҳандиси Ш.Қодиров томонидан берилган топшириқлар ижроси доирасида “Қарши минтакавий темир йўл узели” филиалида кучайтирилган назорат тадбирлари олиб борилди.

Филиал бош муҳандиси Т.Ҳамраев ҳамда тегишли ходимлар томонидан “Тошғўзор” – “Қайирма” станциялари оралиғи ва бевосита “Қайирма” станциясида навбатдаги пиёда текширув ишлари амалга оширилди.

Шунингдек, юқори тезликда ҳаракатланувчи “Афросиёб” электропоездларининг хавфсиз ҳаракатланишини таъминлаш мақсадида филиал бошлиғи ўринбосари А.Саитмуратов томонидан “Афросиёб” электропоезд участкаси таркибига қирувчи “Некўз” – “Олатўн” станциялари оралиғи ҳам пиёда кўриб чиқилди.



Текширувлар давомида темир йўл изларининг техник ҳолати ва рельслар ҳарорати атрофлича ўрганилиб, иссиқ ҳавода юзага келиши мумкин бўлган хавфларнинг олдини олиш чоралари кўрилди.

ПОЕЗДЛАР ҲАРАКАТИ
ХАВФСИЗЛИГИ – УСТУВОР
ВАЗИФА

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бош муҳандиси Ш.Қодировнинг ҳаво ҳароратининг кескин кўтарилиши шароитида поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича берган топшириқлари ҳамда 115А-сонли телеграмма ижросини таъминлаш мақсадида “Термиз минтакавий темир йўл узели” филиали томонидан амалий назорат тадбирлари изчил давом эттирилмоқда.



Шу муносабат билан “Термиз минтакавий темир йўл узели” филиали, Термиз ва Дарбанд темир йўл масофаси филиаллари раҳбарияти бошчилигида “Қумкўрган – Термиз – Сурхобод” ҳамда “Окназар – Қумкўрган – Қудуқли” перегонларида пиёда кўрик ўтказилди.

Кўрик жараёнида йўл ҳўжалиги, электр таъминоти, сигнализация ва алоқа ҳўжалиги мутахассислари иштирокида темир йўлнинг ҳар бир километри, темир йўл кесиммалари, кўприклар ҳамда бошқа сунъii иншоотларнинг техник ҳолати атрофлича ўрганилди.

Текширув давомида аниқланган камчиликларни зудлик билан бартараф этиш бўйича масъулларга аниқ топшириқлар берилди. Поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш юзасидан доимий назорат ишлари узлуксиз давом эттирилмоқда.



НА ДОРОГАХ МИРА

KNORR-BREMSE МОДЕРНИЗИРУЕТ СИСТЕМЫ ЖАТ НА
ГОРНОРУДНОЙ ЖЕЛЕЗНОЙ ДОРОГЕ В АВСТРАЛИИ

Компания KB Signaling, входящая в состав концер-на Knorr Bremse, заключила с горнорудной компанией Fortescue контракт, предусматривающий модернизацию системы управления движением ITCS (Incremental Train Control System) на принадлежащей этой компании железной дороге в Западной Австралии. Контракт охватывает обновление стационарного серверного оборудования с заменой устаревшей аппаратуры на современную компьютерную платформу ElectroLogIXS компании KB Signaling и внедрение средств дистанционного мониторинга состояния путевой инфраструктуры в реальном времени.



На сети компании Fortescue, протяженность которой составляет 760 км, система ITCS была развернута в 2010 е годы. Она изначально разработана компанией GE Transportation, бизнес ЖАТ которой в 2015 г. получила Alstom, продавшая его концерну Knorr Bremse в 2024 г.

Система ITCS регулирует движение поездов при помощи виртуальных блоков участков без использования напольных светофоров и с минимальным количеством напольных устройств контроля свободности пути. Ее бортовые устройства построены на основе безопасной компьютерной платформы Ultra Cab II компании KB Signaling. Они определяют местоположение поездов через систему спутниковой навигации GPS и по радиоканалу обмениваются информацией со стационарными серверами, получая от них разрешения на движение и данные об ограничении скорости.

Безопасная аппаратная платформа ElectroLogIXS реализует функции системы централизации и интервального регулирования движения поездов. Ее отличает минимизация напольного оборудования, что имеет важное значение для условий малонаселенного региона Западной Австралии с экстремально жарким и сухим климатом. Завершить развертывание этой платформы на сети компании Fortescue планируется до конца 2026 г.

Кроме того, на сети впервые будут внедрены цифровые рельсовые цепи Electro Code 6, способные контролировать протяженные участки и обладающие расширенными диагностическими возможностями, в том числе в отношении мониторинга состояния балласта. Их применение совместно с приложением Rail TempEst позволит определять температуру рельсов и при необходимости вводить скоростные ограничения.

Проект на сети Fortescue призван продемонстрировать возможности KB Signaling по реализации комплексных систем ЖАТ и направлен на расширение присутствия этой компании на международном рынке железных дорог с тяжеловесным движением

ГЕРМАНИЯ НАМЕРЕНА ПОДДЕРЖАТЬ СТОРОННИХ ОПЕРАТОРОВ
ДАЛЬНИХ ПАССАЖИРСКИХ СООБЩЕНИЙ

Федеральное сетевое агентство Германии (BNetzA) 30 июня 2026 г. передало для обсуждения Консультационному совету по железнодорожной инфраструктуре страны проект резолюции, направленной на повышение уровня конкуренции в сфере дальних пассажирских сообщений на железных дорогах.



По словам Клауса Мюллера (Klaus Müller), главы BNetzA, с принятием резолюции у конкурентов национального оператора DB Fernverkehr, входящего в состав железных дорог Германии (DB), появится уверенность в обоснованности масштабных инвестиций, необходимых в том числе для приобретения пассажирского подвижного состава. В числе таких конкурентов он назвал компании Italo и FlixTrain.

Оператор железнодорожной инфраструктуры DB InfraGO (также входит в состав DB) будет обязан при составлении годового расписания движения выделять одному перевозчику не более 60 – 75 % ниток графика на участках с установленными ограничениями по пропускной способности для поездов дальнего следования. В наиболее загруженных коридорах с такими ограничениями (например, примыкающих к Франкфурту-на-Майне и Мюнхену) DB InfraGO должен обеспечить допуск не только DB Fernverkehr, но и как минимум одного стороннего оператора.

По действующему законодательству на других участках BNetzA не сможет обязать DB InfraGO изменить существующий порядок распределения ниток графика.

Условием для предоставления сторонним операторам ниток графика станет организация движения по тактовому графику не менее четырех пар поездов ежедневно с двухчасовым интервалом. Квота для сторонних операторов будет применяться только в случаях, когда число заявок превышает фактическое количество ниток графика для поездов дальнего следования.

Резолюция направлена исключительно на разрешение конфликтов между операторами дальних пассажирских сообщений и не повлияет на пригородные пассажирские и грузовые перевозки.

Дополнительно BNetzA намерена обязать DB InfraGO предоставить сторонним операторам площади на вокзалах для организации продажи билетов и создания залов ожидания.

Компания Italo, ранее известная как Nuovo Trasporto Viaggiatori (NTV), уже более 10 лет выполняет высокоскоростные перевозки в Италии на правах открытого доступа к инфраструктуре, конкурируя с национальным перевозчиком Trenitalia. Она объявила о намерении с апреля 2028 г. приступить в Германии к перевозкам по маршрутам Мюнхен – Кёльн – Дортмунд (с часовыми интервалами) и Мюнхен – Берлин (с двухчасовыми интервалами) с выполнением ежедневно 56 рейсов поездов. Для этого Italo запланировала инвестиции в размере 3,5 млрд евро. Однако в настоящее время DB InfraGO не предлагает рамочные договоры на выделение ниток графика, поэтому Italo не может достаточно уверенно строить долгосрочные планы в отношении немецкого рынка и вынуждена была обратиться с жалобой в BNetzA.

Оператор FlixTrain заключил в мае 2025 г. рамочный договор стоимостью 2,4 млрд евро с испанской Talgo на поставку до 65 поездов push-pull, рассчитанных на скорость движения 230 км/ч, и расширяет свою маршрутную сеть в Германии.

Консультационный совет по железнодорожной инфраструктуре должен рассмотреть проект резолюции в течение двух недель. Одновременно проект проанализируют антимонопольные органы Германии. После завершения этих процедур BNetzA примет окончательное решение.

■ ДОНОЛАР ХАЗИНАСИДАН



ЖИГАРЛАР ҚАДРИ – ҲАЁТИМИЗ НУРИ...

Инсон ҳаётидаги энг ғўзал неъмат – меҳр тўла дилдир.

Юракда меҳр қолса, дунё нурли бўлади.

Ҳар тонда кўзимизни очар-очмас, ҳаёт гирдобига шўнғиб кетамиз.

Душанба оғир,
Сешанба мослашув,
Пайшанбада вақт йўқ,
Жумада чарчоқ...
Шанбада ҳам,
Якшанбада ҳам дам ололмаймиз –
“Ишдамиз ахир”.

Кунлар қулаб ўтади, ҳаёт издан изга кириб кетади.

Бир нарсага улағурамыз, бошқасига йўқ, аммо энг муҳими, вақтни эмас, меҳрни йўқотиб бораёпмиз.

Аслида, биз фақат вақтсиз эмасмиз...
Биз меҳрсиз қолмоқдамиз...

Ота-онамиз орқамизда қолди, энди бизга улардан қолган энг буюк мерос – жигарларимиз, яъни ака-укаларимиз, опа-сингилларимиздир.

Опа онангиздан кейинги меҳрни берувчи аёл, Ака отангиздан кейинги суянадиган тоғингиз. Улар болалигингиздаги илк дўстларингиз, бугун эса қалбингизнинг энг самимий гувоҳларидир.

Улар бор экан, сиз ҳали ёлғиз эмассиз. Аммо ҳаёт экан – баъзан жигарингиз оғрийд, ёки руҳан тушқунликка тушади, ёки синовда қолади. Шунда нима қилиш керак? Хабар олинг, сўранг, қўнғироқ қилинг!

У сизнинг олиб борган нонингизга эмас – дийдорингизга зор, меҳрингизга муҳтож.

Жигарингизга молингиз эмас, икки оғиз ширин сўзингиз керак.

У сизнинг сўзингизда Отасининг ғамхўрлигини, Онасининг тафтини, болалик ҳиди ва иссиқлигини топади.

Лекин биз нима деймиз?
“Бандман, вақт йўқ, ишдаман ахир...”

Йўқ, Азиз инсоним!
Бу – баҳона, шунчаки нафсинг қалқони.
Бу – меҳрсизлик.

Тўхтанг, бир лаҳза сукунатда қалбингизни тингланг:

Кимлар ҳақида сўнги марта сўраган эдингиз?

Акам-опамни, синглимни, укаларимни, қариндошларимни?

Бугун улардан хабар олинг – эртага кеч бўлмасин!

Зеро, кеча орамизда бўлганлардан баъзилари энди фақат хотирада.

Ёшлар қарияпти, қарилари эса омонат.

Ҳаёт – бу фақат иш эмас, бу меҳр билан яшашдир.

Юракнинг энг ғўзал вазифаси – яқинларини севиш ва улар ҳақида хабар олиш.

Чунки улар биз учун Отадан, Онадан қолган ёдгорликдирлар.

Фазлиддин ИЛҲОМОВ,

“Йўловчи вагонларини техник ва технологик тайёрлаш, таъмирлаш” филиали (ВЧД-2) Касаба уюшмаси қўмитаси раиси

■ СУҲБАТ

АЪЗАМЖОН УМАРАЛИЕВ:

“КАСБ БАЙРАМИНИ КАТТА МАҚСАДЛАР ВА АМАЛИЙ РЕЖАЛАР БИЛАН КУТИБ ОЛМОҚДАМИЗ”



Азамжон Умаралиев 1995 йил 1 август куни Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида туғилган. Илмга ва касб сирларини эгаллашга бўлган интилиши туфайли 2014 йилда Тошкент темир йўл транспорт касб-хунар коллежини аъло даражади диплом билан тамомлаган. Меҳнат фаолиятини ўша йилиёқ “Ўзтемирйўлйўловчи” очик акциядорлик жамияти Тошкент филиали тизимида, шаҳарлараро йўловчи поезди ҳаракатидаги чипта сотувчиси вазифасида бошлаган. 2015-2016 йилларда Ўзбекистон Республикаси Қурулли Қучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган.

У меҳнат фаолияти давомида ўз устида ишлашдан тўхтамай, билим даражасини изчил ошириб борди. Натижада 2020 йилда Тошкент темир йўл мухандислари институтини, 2023 йилда Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтини ҳамда 2024 йилда Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси магистратура босқичини муваффақиятли тамомлади. Ҳозирги кунда у Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат сиёсати ва бошқаруви академияси “Давлат бошқаруви” мутахассислиги бўйича магистратура босқичи тингловчиси ҳисобланади.

Айни пайтда Азамжон Умаралиев “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти Ёшлар ва ижтимоий лойиҳалар бошқармаси бошлиғи лавозимида самарали фаолият кўрсатмоқда. Ҳўз касбига садоқатли раҳбар сифатида у темир йўл соҳасида ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш, иқтидорли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, темирйўлчи ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш йўлида сидқидилдан меҳнат қилиб келмоқда.

– Азамжон суҳбатимизни сиз раҳбарлик қилаётган йўналишда сўнгги вақтлардаги ўзгаришлар билан бошласак... – 2017 йилда ташкил этилган Ётакчилар кенгаши фаолиятини жонлантириш мақсадида, хорижий тажрибалар ва республикадаги вазирлик ва идоралар тажрибалари ўрганилиб, юқори турувчи ташкилотлар билан маслаҳатлашувлар ташкил қилинди. Шундан сўнг “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти тизимида ёшларга оид давлат сиёсати ижросини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш бўйича “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси З.Нарзуллаевнинг 2026 йил 25 июндаги 331-Н-сонли буйруғи билан Ётакчилар кенгаши негизда Ёшлар ва ижтимоий лойиҳалар бошқармаси ташкил этилди. Янги ташкил этилган бошқармага ёшлар билан ишлаш самарадорлигини оширишга қаратилган қатор янги ва масъулиятли вазифалар буюён. Бошқарманинг асосий мақсад ва вазифалари: ижтимоий ва маънавий мухитни соғломлаштириш, профилактик тадбирларни янада жадаллаштириш, лойиҳа ва ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, турли ижтимоий лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш ҳамда ёшларнинг ижодий ва ижтимоий ташаббусларини ҳар томонлама рағбатлантиришдан иборат.

– Сиз мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини тизимли ва сифатли тарзда амалга оширишни, қолаверса, ёшларга берилган имкониятларни қандай тушунасиш ва баҳолайсиз? – Янги Ўзбекистон – ёшлар мамлакат. Сабаби юртимиз аҳолисининг 20 миллиондан ортигини ёшлар ташкил қилади. Давлатимиз раҳбари “Ёшлар

– эртанги кунимизнинг эгалари, бебаҳо бойлиги” деб қадрлайдилар ва ишонадилар. Ёшларга бўлган юксак ишонч ва эътиборнинг ёрқин исботи сифатида 2026 йил 20 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 66-сон фармони ҳамда “Янги Ўзбекистон ёшлари – 2030” стратегияси қабул қилинди.Стратегия доирасида 2030 йилгача мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича устувор ва аниқ вазифалар белгилаб берилди. Бу эса ёш авлоднинг салоҳиятини рўёбга чиқариш учун катта имкониятлар эшигини очмоқда. Ҳар бир соҳада ёшларга кенг имкониятлар берилмоқда. Ушбу ислохотлар барча соҳа ёшларини, хусусан, темирйўлчи ёшларни ҳам тўлиқ қамраб олмоқда.

– Азамжон яқин кунларда Ўзбекистон темирйўлчилари касб байрамини нишонлайди. Сиз ва жамоангиз ушбу байрамни қандай ютуқлар билан кутиб олмақдасизлар?

– Маълумки, мамлакатимизда 2017 йилдан буюён Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуслари билан август ойининг биринчи яшанбаси “Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти ходимлари кўни” сифатида кенг нишонланиб келинмоқда. Мана, жорий йилда ушбу қутлуг аънамага 9 йил тўлади. Яқинлашиб келаётган касб байрамимизни барчамиз жуда кўтаринки кайфиятда кутиб олиш тараддуидамиз. Бугунги кунда темир йўл соҳасида катта ўзгаришлар даври кетмоқда. Олдимизда инновацион ғояларни ҳаётга татбиқ этиш, соҳани рақамлаштириш стратегиясини янада жадаллаштириш бўйича жуда муҳим режаларимиз ва вазифаларимиз бор. Биз ушбу байрамни шунчаки байрамонга кайфиятда эмас, балки соҳани мутлақо янги босқичга олиб чиқадиган ана шундай улкан мақсадлар ва амалий

режалар билан кутиб олмақдамиз.

– Темир йўл соҳасидан ташқари, яна қайси соҳани иккинчи мутахассислик сифатида танлаган бўлардингиз?

Ўқидим. Бир нечта олий таълим муассасаларини, магистратура босқичларини битирдим. Ҳозирги кунда ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат сиёсати ва бошқаруви академиясининг “Давлат бошқаруви” йўналиши тингловчисиман. Ўқиган сари, изланган сари, йиллар ўтган сари одам чарҳланиб бораверади. Бошқаларда бўлгани каби менда ҳам кийинчиликлар бўлган, бюрократик тўсиқлар ёки баъзи меҳнат жамоаларида ёшларга бўлган ишончсизлик кайфияти учраб турган.

– Сизнингча, ҳаётда инсон устозсиз ҳам натижа ва муваффақиятга эришиши мумкинми? – Менимча инсон ҳаётида устозсиз яхши натижага эриша олмайди. Сабаби ҳар бир соҳанинг, ҳар бир жабҳанинг ўз устози бўлади. Буюк зотларнинг ҳаммасини ҳам устози бўлган, устоз тарбиялаган. Халқимизда: “устоз кўрмаган шогирд ҳар макомга йўргалар”, деган ажойиб нақл бор. Чунки биз илк ҳарфларни ёзиш бўладими, илк сабоқларни олиш бўладими ёхуд ҳаётда энг муҳим бўлган ҳаётий қоидаларнинг ҳаммасини устоздан ўрганамиз. Ҳатто энг биринчи тарбияни агар онадан оладиган бўлсак, она ҳам биз учун бир устоздир. Демак, инсоннинг ҳам маънавий, ҳам

қаруви академиясининг “Давлат бошқаруви” йўналиши тингловчиси. Ўқиган сари, изланган сари, йиллар ўтган сари одам чарҳланиб бораверади. Бошқаларда бўлгани каби менда ҳам кийинчиликлар бўлган, бюрократик тўсиқлар ёки баъзи меҳнат жамоаларида ёшларга бўлган ишончсизлик кайфияти учраб турган.

қаруви академиясининг “Давлат бошқаруви” йўналиши тингловчиси. Ўқиган сари, изланган сари, йиллар ўтган сари одам чарҳланиб бораверади. Бошқаларда бўлгани каби менда ҳам кийинчиликлар бўлган, бюрократик тўсиқлар ёки баъзи меҳнат жамоаларида ёшларга бўлган ишончсизлик кайфияти учраб турган.

– Сизнингча, ҳаётда инсон устозсиз ҳам натижа ва муваффақиятга эришиши мумкинми? – Менимча инсон ҳаётида устозсиз яхши натижага эриша олмайди. Сабаби ҳар бир соҳанинг, ҳар бир жабҳанинг ўз устози бўлади. Буюк зотларнинг ҳаммасини ҳам устози бўлган, устоз тарбиялаган. Халқимизда: “устоз кўрмаган шогирд ҳар макомга йўргалар”, деган ажойиб нақл бор. Чунки биз илк ҳарфларни ёзиш бўладими, илк сабоқларни олиш бўладими ёхуд ҳаётда энг муҳим бўлган ҳаётий қоидаларнинг ҳаммасини устоздан ўрганамиз. Ҳатто энг биринчи тарбияни агар онадан оладиган бўлсак, она ҳам биз учун бир устоздир. Демак, инсоннинг ҳам маънавий, ҳам

қаруви академиясининг “Давлат бошқаруви” йўналиши тингловчиси. Ўқиган сари, изланган сари, йиллар ўтган сари одам чарҳланиб бораверади. Бошқаларда бўлгани каби менда ҳам кийинчиликлар бўлган, бюрократик тўсиқлар ёки баъзи меҳнат жамоаларида ёшларга бўлган ишончсизлик кайфияти учраб турган.

қаруви академиясининг “Давлат бошқаруви” йўналиши тингловчиси. Ўқиган сари, изланган сари, йиллар ўтган сари одам чарҳланиб бораверади. Бошқаларда бўлгани каби менда ҳам кийинчиликлар бўлган, бюрократик тўсиқлар ёки баъзи меҳнат жамоаларида ёшларга бўлган ишончсизлик кайфияти учраб турган.

қаруви академиясининг “Давлат бошқаруви” йўналиши тингловчиси. Ўқиган сари, изланган сари, йиллар ўтган сари одам чарҳланиб бораверади. Бошқаларда бўлгани каби менда ҳам кийинчиликлар бўлган, бюрократик тўсиқлар ёки баъзи меҳнат жамоаларида ёшларга бўлган ишончсизлик кайфияти учраб турган.

моддий ҳаётида устознинг ўрни бекиёс.

– Сабр ва ишонч сизда қанчалик даражада етарли, деб ўйлайсиз? Одамлар ишончини оқлаётган, дея оласизми?

– Сабр қилиш осон эмас, аммо оқибати жуда фойдали бўлади. Мен ўзимни сабрли инсонман, деб ўйлайман. Жуда ҳам кўп кийинчиликларни енгиб ўтдик ва олдинда ҳали ҳам кийинчиликлар, синовлар, тақдирнинг кутилмаган зарбалари турган бўлиши мумкин. Уларни ҳам сабр-бардош билан енгиб ўтишимиз шарт. Тўхтаб қолган одам чўқади, тўхтамаслик, олдинга ҳаракат қилиш



қаруви академиясининг “Давлат бошқаруви” йўналиши тингловчиси. Ўқиган сари, изланган сари, йиллар ўтган сари одам чарҳланиб бораверади. Бошқаларда бўлгани каби менда ҳам кийинчиликлар бўлган, бюрократик тўсиқлар ёки баъзи меҳнат жамоаларида ёшларга бўлган ишончсизлик кайфияти учраб турган.

қаруви академиясининг “Давлат бошқаруви” йўналиши тингловчиси. Ўқиган сари, изланган сари, йиллар ўтган сари одам чарҳланиб бораверади. Бошқаларда бўлгани каби менда ҳам кийинчиликлар бўлган, бюрократик тўсиқлар ёки баъзи меҳнат жамоаларида ёшларга бўлган ишончсизлик кайфияти учраб турган.

қаруви академиясининг “Давлат бошқаруви” йўналиши тингловчиси. Ўқиган сари, изланган сари, йиллар ўтган сари одам чарҳланиб бораверади. Бошқаларда бўлгани каби менда ҳам кийинчиликлар бўлган, бюрократик тўсиқлар ёки баъзи меҳнат жамоаларида ёшларга бўлган ишончсизлик кайфияти учраб турган.

қаруви академиясининг “Давлат бошқаруви” йўналиши тингловчиси. Ўқиган сари, изланган сари, йиллар ўтган сари одам чарҳланиб бораверади. Бошқаларда бўлгани каби менда ҳам кийинчиликлар бўлган, бюрократик тўсиқлар ёки баъзи меҳнат жамоаларида ёшларга бўлган ишончсизлик кайфияти учраб турган.



МУАССИСЛАР:

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти, Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика Кенгаши

Тахрир кенгаши:

Раматов А.Ж.
Нарзуллаев З.Ф.
Сабиров Қ.С.
Юсупов Ж.З.
Балтабаев А.А.

Бош муҳаррир
Рустам ҲАЙДАРОВ

Мусахҳиҳ –
Умида ТҶИЧИБОВЕВА

Саҳифаловчи –
Гулзода БОЛТАЕВА

Фотомухбир – Ёқубжон МУРОТОВ

Манзилимиз: 100047, Тошкент ш., Амир Темур шоҳ кўчаси, 4-уй.

Бош муҳаррир: (71) 236-49-97 (4-49-97)

Қабулхона: (71) 236-48-92

Мухбирлар: (71) 236-48-71

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0139-рақам билан 2007 йил 11 январда рўйхатга олинган.

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди

ISSN: 2181-6158

Буюртма Г-734

Босишга топширилди: 19:30

1 2 3 4 5 6

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида А-2 ҳажмда чоп этилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Адади: 1200